



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИХАТЛАР

Бердиев Зоҳид Зокирович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси Магистратура тингловчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20678521>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 08-iyun 2026 yil  
Ma'qullandi: 10-iyun 2026 yil  
Nashr qilindi: 12-iyun 2026 yil

### KEYWORDS

кибержиноятчилик,  
кибервиктимология,  
виктимологик  
профилактика,  
киберхавфсизлик, рақамли  
саводхонлик, кибергигиена,  
фишинг, ижтимоий  
муҳандислик, талабалар.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада лий таълим муассасаларида кибержиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Талабаларнинг кибервиктимлашувига таъсир қилувчи асосий омиллар ўрганилиб, хорижий давлатлар тажрибаси асосида профилактиканинг самарали механизмлари ёритилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида киберхавфсизлик маданиятини шакллантириш, рақамли саводхонликни ошириш ва кибервиктимологик профилактиканинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Ҳозирги босқичда жаҳонда кечаётган глобал рақамлашув жараёнлари жамият ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб борди. Ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашуви натижасида давлат бошқаруви, иқтисодиёт, банк-молия тизими, таълим, тиббиёт, транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари босқичма-босқич рақамли форматга ўтмоқда. Интернет тармоқлари, мобил қурилмалар, булутли технологиялар (cloud technologies — масофавий серверларда маълумот сақлаш технологиялари), электрон тўлов тизимлари ва сунъий интеллект (artificial intelligence — сунъий онг технологияси) воситаларининг кенг қўлланилиши инсон фаолияти учун янги имкониятларни яратди.

Шу билан бирга, рақамли муҳитнинг кенгайиши жиноятчиликнинг янги шакллари пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлди. Анъанавий жиноятчилик шакллари виртуал муҳитга кўчиб, ахборот технологиялари воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар кўпайди. Натижада кибержиноятчилик жаҳон миқёсида энг тез ривожланаётган трансмиллий жиноят турларидан бирига айланди.[1]

Кибержиноятчиликнинг хавфлилиги унинг бир вақтнинг ўзида бир нечта давлат ҳудудида содир этилиши, юқори даражада латент хусусиятга эгаллиги, аноним муҳитда амалга оширилиши ва қисқа вақт ичида жуда кўп миқдордаги шахсларга зарар етказиш имконияти билан изоҳланади. Айниқса, интернет тармоқлари орқали амалга ошириладиган фирибгарлик, электрон тўлов воситалари билан боғлиқ жиноятлар,

шахсий маълумотларни ноқонуний қўлга киритиш, ижтимоий тармоқлардаги манипулятив таъсирлар ҳамда фишинг (phishing — қалбаки ҳаволалар ёрдамида маълумотларни қўлга киритиш) хужумлари замонавий жиноятчиликнинг энг хавфли кўринишларидан бири сифатида баҳоланмоқда.[2]

Хорижий олим David Wall кибержиноятчиликни “рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ёки рақамли муҳитга қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси” сифатида таърифлайди.[13] Унинг фикрича, кибержиноятчилик ахборот жамияти ривожланишининг салбий ижтимоий оқибати бўлиб, у анъанавий жиноятчиликнинг янги трансформациялашган шакли ҳисобланади.

Мажид Яр (Majid Yar) эса кибержиноятчиликни ижтимоий муносабатларнинг рақамли муҳитга кўчиши билан боғлиқ криминал ҳодиса сифатида баҳолайди. Олимнинг таъкидлашича, интернет муҳитида инсон хулқининг ўзгариши янги виктимлашув шакллари келтириб чиқаради.[4]

Ўзбекистон Республикаси “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 15.04.2022 йилдаги ЎРҚ-764-сон Қонунига кўра, “кибержиноятчилик” бу

[1]. Уолл Д. Кибержиноятчилик: ахборот асрида жиноятчиликнинг трансформацияси. Кембриж университети нашриёти, 2007.

[2]Европолнинг 2024-йилги Интернетдаги уюшган жиноятчилик таҳдидларини баҳолаш ҳисоботи.

[3]. Уолл Д. Кибержиноятчилик ва кўрқув маданияти // Ахборот, коммуникация ва жамият. 2008.

[4]. Яр М. Кибержиноят ва жамият. Sage нашрлари, 2013 йил.

ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси [5] деб таърифланган. Шунингдек, Жиноят кодексининг ахборот технологиялари соҳасига оид нормаларида компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, ахборот тизимларига ноқонуний кириш, электрон ҳисоблаш машиналари ахборотини модификация қилиш, электрон тўлов воситалари билан боғлиқ фирибгарлик ва бошқа турдаги қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган.

Иккинчидан, трансмиллийлик хусусияти. Кибержиноятлар давлат чегараларини тан олмайди. Жиноятчи бир давлат ҳудудида туриб, бошқа давлат фуқароларига зарар етказиши мумкин.

Учинчидан, интеллектуал характер. Кибержиноятчилик кўп ҳолларда юқори билим ва техник кўникмаларни талаб қилади. Шу боис мазкур жиноят тури интеллектуал жиноятчилик шакли сифатида ҳам баҳоланади.[6]

Тўртинчидан, анонимлик хусусияти. Интернет муҳитида шахсни идентификация қилиш мураккаб бўлганлиги сабабли жиноятчилар турли аноним дастурлар, VPN хизматлари ва сохта аккаунтлардан фойдаланади.

Бешинчидан, инсон омилининг устувор аҳамияти. Замонавий кибержиноятчиликда техник тизимларни бузишдан кўра инсон психологиясига таъсир қилиш орқали жиноят содир этиш ҳолатлари кенгаймоқда. Social engineering (ижтимоий муҳандислик — инсон психологиясига таъсир ўтказиш орқали маълумот олиш усули),

phishing, fake links (қалбаки ҳаволалар), psychological manipulation (психологик манипуляция) каби усуллар орқали шахсларнинг ишончига кириш ва уларнинг шахсий маълумотларини қўлга киритиш ҳолатлари кенг тарқалмоқда.[7]

[5]. Ўзбекистон Республикаси “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 15.04.2022 йилдаги ЎРҚ-764-сон Қонуни.

[6] Бреннер С. Кибержиноятчилик ва ҳуқуқ. Northeastern University Press, 2012 йил.

[7]. Митник К. Алдаш санъати. Wiley нашриёти, 2002.

Кибервиктимологиянинг шаклланиши қуйидаги омиллар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади:

интернет фойдаланувчилари сонининг ортиши;

ижтимоий тармоқлар таъсирининг кучайиши;

онлайн молиявий операцияларнинг кенгайиши;

рақамли саводхонлик даражасидаги муаммолар;

виртуал муҳитда психологик манипуляция усулларининг ривожланиши.

Кибервиктимологиянинг тадқиқот объекти сифатида интернет фойдаланувчиларининг хулқи, рақамли муҳитдаги хавфли вазиятлар, онлайн ишонч муносабатлари, шахсий маълумотлар хавфсизлиги, виртуал мулоқот жараёнлари ва кибержиноят қурбонларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари намоён бўлади.

*Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 31 миллиондан ошган бўлиб, шундан 14 миллиони ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланмоқда.*

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарларнинг интернет ва ижтимоий тармоқлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кун сайин ортиб бормоқда.

Хусусан, сўнгги олти йилда юртимизда кибержиноятлар бўйича мурожаатлар сони 48 бараварга ошган. Ўтган йилда содир этилган фирибгарлик жиноятларининг 82 фоизи, ўғирлик жиноятларининг 76 фоизи кибермаконда содир этилган.

Таъкидлаш лозимки, ёшлар ва талабалар кибержиноятлар таъсирига нисбатан юқори даражада мойил қатлам ҳисобланади. Бу ҳолат уларнинг интернет тармоқларидан фаол фойдаланиши, ижтимоий тармоқларда юқори даражада иштирок этиши, электрон тўлов хизматларидан кенг фойдаланиши ҳамда хавфсизлик қоидаларига етарлича амал қилмаслиги билан изоҳланади.

Замонавий рақамли жамият шароитида олий таълим муассасалари ахборот-коммуникация технологияларидан энг фаол фойдаланувчи ижтимоий институтлардан бири ҳисобланади. Масофавий таълим платформалари, электрон журналлар, виртуал кутубхоналар, ижтимоий тармоқлар ва онлайн тўлов тизимларининг кенг жорий этилиши талабаларнинг рақамли муҳит билан узвий боғланишига олиб келди. Бу эса таълим жараёни самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, талабаларнинг кибержиноятлар таъсирига тушиш эҳтимолини ҳам оширмоқда.

Хорижий тадқиқотларда ёшлар ва талабалар кибержиноятчилар учун энг қулай виктимологик гуруҳлардан бири сифатида баҳоланади. Бунинг асосий сабаби уларнинг интернет муҳитида юқори фаоллиги, рақамли технологияларга ишончи ва хавфсизлик қоидаларига етарли даражада амал қилмаслиги билан изоҳланади [8].

Кибервиктимлашув тушунчаси рақамли муҳитда шахсинг турли кибержиноятлар қурбонига айланиш жараёнини англатади. Ушбу жараён фишинг, ижтимоий муҳандислик, шахсий маълумотларни ўғирлаш, онлайн фирибгарлик ва бошқа турдаги кибержиноятларни қамраб олади

Таҳлиллар кўрсатишича, талабаларнинг кибервиктимлашувига таъсир этувчи омилларни бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин.

*Биринчидан, ижтимоий омиллар.* Талабалар ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва электрон хизматлардан энг фаол фойдаланувчилар ҳисобланади. Telegram, Instagram, Facebook ва TikTok платформалари орқали амалга ошириладиган виртуал мулоқотлар уларнинг рақамли муҳитга юқори даражада интеграциялашганлигини кўрсатади. Бироқ айнан мазкур ҳолат турли фирибгарлик схемалари ва фейк аккаунтлар таъсирига тушиш хавфини ҳам оширади [9].

Талабаларнинг интернет муҳитидаги ишонч муносабатлари ҳам муҳим виктимологик омил ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпчилик ёшлар интернетдаги маълумотларни етарли даражада текширмасдан қабул

[8]. Холт Т., Босслер А. Ривожланаётган кибержиноятчилик. – Routledge, 2016.

[9]. Европолнинг Интернетдаги уюшган жиноятчилик таҳдидларини баҳолаш ҳисоботи, 2024 йил.

қилади. Айниқса, «осон даромад», «онлайн иш», «инвестиция лойиҳаси» каби таклифлар кўп ҳолларда фирибгарлик схемаларининг асосий элементи бўлиб хизмат қилмоқда.

*Иккинчидан, психологик омиллар.* Замонавий кибержиноятчиликда инсон психологиясига таъсир қилиш устувор ўринни эгалламоқда. Жиноятчилар техник тизимларни бузишдан кўра инсоннинг ишонччанлиги, эмоционал ҳолати ва тез қарор қабул қилиш хусусиятларидан фойдаланишни афзал кўради [10].

Талабаларнинг ёш хусусиятлари, тажрибасининг етарли эмаслиги ва рақамли хавфларни тўлиқ баҳолай олмаслиги уларнинг виктимлашув эҳтимолини оширади. Хусусан, криптовалюта инвестициялари, P2P операциялари ва турли онлайн савдо платформалари билан боғлиқ фирибгарликларда талабалар нисбатан кўпроқ жабрланувчига айланмоқда.

*Учинчидан, техник омиллар.* Киберхавфсизлик соҳасидаги тадқиқотлар талабаларнинг катта қисми содда пароллардан фойдаланиши, бир хил паролни бир нечта аккаунтларда ишлатиши ҳамда икки босқичли аутентификациядан фойдаланмаслигини кўрсатади.

Бундан ташқари, лицензияланмаган дастурлардан фойдаланиш, шубҳали ҳаволаларга кириш, пират контентларни юклаб олиш ва номаълум файлларни очиш каби ҳаракатлар талабаларнинг киберхавфсизлик даражасини пасайтирмоқда [11].

*Тўртинчидан, ахборот маданияти билан боғлиқ омиллар.* Рақамли муҳитда хавфсиз ҳаракат қилиш учун шахсда cyber hygiene кўникмалари шаклланган бўлиши лозим. Бироқ таҳлиллар кўплаб талабаларда мазкур кўникмалар етарли даражада шаклланмаганлигини кўрсатмоқда [12].

[10]. Митник К. Алдаш санъати. – Wiley нашриёти, 2002.

[11]. Касперский рақамли одатлар сўрови, 2023 йил.

[12]. NCSC Кибергигиена тамойиллари, Буюк Британия, 2023 йил.

Хусусан, шахсий маълумотларни эркин тарқатиш, банк картаси маълумотларини бошқаларга юбориш, фейк akkaунтларни ажрата олмаслик ва ахборот манбаларини текширмаслик ҳолатлари кенг тарқалган.

*Бешинчидан, иқтисодий омиллар.* Айрим талабаларнинг молиявий эҳтиёжлари уларни турли фирибгарлик схемалари таъсирига туширмоқда. Онлайн иш таклифлари, тез бойиш лойиҳалари, криптоактивларга сармоя киритиш билан боғлиқ сохта таклифлар ёшларнинг молиявий манфаатдорлигидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда [34].

Виктимология назарияси нуқтаи назаридан қараганда, шахснинг ўз хулқи ҳам жиноят қурбонига айланиш эҳтимолига таъсир кўрсатади. Кибервиктим хулқи хавфсизлик қоидаларига бепарволик қилиш, шубҳали ҳаволаларга кириш, шахсий маълумотларни ошкор этиш ва номаълум шахслар билан молиявий муносабатларга кириш орқали намоён бўлади [35].

Криминологик таҳлиллар кибержиноят қурбонларининг катта қисми айнан ўз эҳтиётсизлиги ва рақамли хавфлар ҳақидаги билимларининг етарли эмаслиги сабабли жабрланувчига айланишини кўрсатади.

Шу муносабат билан талабаларнинг кибервиктимлашувини камайтириш мақсадида олий таълим муассасаларида рақамли гигиена кўникмаларини шакллантириш, интерактив киберхавфсизлик тренинглари ташкил этиш, фишинг симуляцияларини жорий қилиш ва психологик барқарорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, кибержиноятларга қарши курашишда инсон омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу сабабли ривожланган давлатларда профилактика ишлари техник ҳимоя воситалари билан чекланиб қолмасдан, аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш ва хавфсиз рақамли хулқни шакллантиришга қаратилмоқда.

[13]. БМТ НЖҚБнинг кибержиноятчилик ва онлайн фирибгарлик бўйича ҳисоботи, 2024 йил.

[14]. Полубинский В.И. Основы виктимологии. – Москва, 2018.

**Америка Қўшма Штатларида** киберхавфсизлик соҳасида аҳолини хабардор қилиш бўйича кенг кўламли дастурлар амалга оширилади. Cybersecurity and Infrastructure Security Agency (CISA), Federal Bureau of Investigation (FBI) ҳамда National Cyber Security Alliance томонидан аҳоли ва талабалар учун махсус cyber awareness дастурлари ташкил этилган [15].

Университетларда фишинг симуляциялари амалиёти қўлланилиши алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур усул орқали талабалар сунъий равишда яратилган фирибгарлик хабарларига қандай муносабат билдириши ўрганилади ҳамда уларда хавфли ҳаволаларни аниқлаш кўникмалари шакллантирилади.

**Европа Иттифоқи давлатларида** профилактика ишлари инсон хавфсизлиги концепцияси асосида ташкил этилади. Германия, Франция ва Нидерландия университетларида cybersecurity week (киберхавфсизлик ҳафталиги) тадбирлари

доирасида интерактив семинарлар, фишинг симуляциялари ва рақамли хавфларни баҳолаш бўйича тренинглари ташкил қилинади [16].

Германияда ривожланган «Digital Responsibility» (рақамли масъулият) концепцияси интернет фойдаланувчиларининг рақамли муҳитдаги шахсий масъулиятини кучайтиришга қаратилган бўлиб, у кибервиктимлашувнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда [17].

**Жанубий Кореяда** профилактика ишлари мактаб давридан бошланади. Таълим муассасаларида интернет хавфсизлиги, рақамли этика ва шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича махсус курслар ўқитилади [18].

[15]. Киберхавфсизлик ва инфратузилма хавфсизлиги агентлиги (СИСА). Киберхавфсизлик бўйича йиллик ҳисобот. — 2022.

[16]. ENISA Threat Landscape Report 2024. — Европа Иттифоқининг Киберхавфсизлик агентлиги, 2024 йил.

[17]. 2021-2027 йилларга мўлжалланган рақамли таълим бўйича Европа ҳаракатлар режаси. —, 2021.

[18]. Жанубий Корея миллий киберхавфсизлик стратегияси. -Фан, 2022.

**Сингапурда** эса cyber wellness (рақамли фаровонлик) дастурлари амалга оширилиб, талабаларнинг рақамли муҳитдаги психологик тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади [19].

**Россия Федерациясида** ҳам сўнгги йилларда кибержиноятчиликнинг виктимологик жиҳатларини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Россия олимлари В.С. Овчинский, В.Б. Вехов, А.И. Савельев, Е.П. Ищенко ва бошқалар рақамли муҳитдаги виктимлашув жараёнларини криминологик нуқтаи назардан тадқиқ қилган. [20]

Россияда “цифровая гигиена” тушунчаси кенг тарқалган бўлиб, у интернетдан хавфсиз фойдаланиш, шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш ва рақамли муҳитда эҳтиёткор хулқни шакллантиришни англатади.

Айрим университетларда “Основы кибербезопасности”, “Информационная безопасность”, “Цифровая безопасность” каби фанлар ўқитилади.

Шунингдек, Россияда аҳолининг психологик барқарорлигини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, телефон фирибгарлиги ва ижтимоий муҳандислик орқали амалга ошириладиган жиноятларга қарши профилактик видеороликлар, интерактив машғулотлар ва оммавий ахборот дастурлари ташкил этилади.

**Японияда** «human firewall» (инсон фильтри) концепцияси кенг қўлланилиб, унга кўра ҳар бир фойдаланувчи рақамли хавфларни мустақил равишда англай оладиган даражада тайёр бўлиши лозим [21].

Таҳлил қилинган хорижий тажриба асосида Ўзбекистон олий таълим муассасаларида «Рақамли гигиена» фанини жорий қилиш, cyber awareness (киберогоҳлик) дастурларини ишлаб чиқиш, фишинг (phishing — қалбаки ахборот ёки ҳаволалар орқали шахсий маълумотларни қўлга киритиш).

[19]. Сингапур киберхавфсизлик агентлиги. Кибер соғломлаштириш дастури ҳисоботи., 2022.

[20]. Овчинский В.С. Криминология цифрового мира. — Москва: Норма, 2020.

[21]. Вехов В.Б. Информационная безопасность личности в цифровой среде. — Москва, 2021.

симуляцияларини ўтказиш ва кибервиктимологик профилактика марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кибержиноятчилик замонавий рақамли жамиятнинг энг хавфли трансмиллий жиноят турларидан бири ҳисобланади. Унинг олдини олишда техник ҳимоя воситалари билан бир қаторда виктимологик профилактика механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг кибервиктимлашуви ижтимоий, психологик, техник, иқтисодий ва ахборот маданияти билан боғлиқ омиллар таъсирида шаклланади. Шу сабабли профилактика чоралари ҳам комплекс характерга эга бўлиши лозим.

Хорижий давлатлар тажрибаси рақамли саводхонликни ошириш, кибергигиена кўникмаларини шакллантириш, психологик иммунитетни кучайтириш ва хавфсиз рақамли хулқ моделларини ривожлантириш кибервиктимлашувни камайитиришнинг самарали воситаси эканлигини кўрсатмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

[1]. Уолл Д. Кибержиноятчилик: ахборот асрида жиноятчиликнинг трансформацияси. Кембриж университети нашриёти, 2007.

[2] Европолнинг 2024-йилги Интернетдаги уюшган жиноятчилик таҳдидларини баҳолаш ҳисоботи.

[3]. Уолл Д. Кибержиноятчилик ва қўрқув маданияти // Ахборот, коммуникация ва жамият. 2008.

[4]. Яр М. Кибержиноят ва жамият. Sage нашрлари, 2013 йил.

[5]. Ўзбекистон Республикаси “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги 15.04.2022 йилдаги ЎРҚ-764-сон Қонуни.

[6] Бреннер С. Кибержиноятчилик ва ҳуқуқ. Northeastern University Press, 2012 йил.

[7]. Митник К. Алдаш санъати. Wiley нашриёти, 2002.

[8]. Холт Т., Босслер А. Ривожланаётган кибержиноятчилик. – Routledge, 2016.

[9]. Европолнинг Интернетдаги уюшган жиноятчилик таҳдидларини баҳолаш ҳисоботи, 2024 йил.

[10]. Митник К. Алдаш санъати. – Wiley нашриёти, 2002.

[11]. Касперский рақамли одатлар сўрови, 2023 йил.

[12]. NCSC Кибергигиена тамойиллари, Буюк Британия, 2023 йил.

[13]. БМТ НЖҚБнинг кибержиноятчилик ва онлайн фирибгарлик бўйича ҳисоботи, 2024 йил.

[14]. Полубинский В.И. Основы виктимологии. – Москва, 2018.

[15]. Киберхавфсизлик ва инфратузилма хавфсизлиги агентлиги (СИСА). Киберхавфсизлик бўйича йиллик ҳисобот. — 2022.

[16]. ENISA Threat Landscape Report 2024. — Европа Иттифоқининг Киберхавфсизлик агентлиги, 2024 йил.

[17]. 2021-2027 йилларга мўлжалланган рақамли таълим бўйича Европа ҳаракатлар режаси. —, 2021.

[18]. Жанубий Корея миллий киберхавфсизлик стратегияси. -Фан, 2022.

- [19]. Сингапур киберхавфсизлик агентлиги. Кибер соғломлаштириш дастури ҳисоботи., 2022.
- [20]. Овчинский В.С. Криминология цифрового мира. — Москва: Норма, 2020.
- [21]. Вехов В.Б. Информационная безопасность личности в цифровой среде. — Москва, 2021.

